Insonga naf keltirish – oliy baxt

Ishonch

2010-yil 7-avgust № 94 (2819) shanba

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Мохият

Биз ерга қанчалик меҳрли, саховатли бўлсак, ер ҳам бизга шунчалик саховат кўрсатади. Чунки, Шарқда азалдан яхшиликка яхшилик-билан, саховатга саховат билан жавоб бериш элнинг ҳам, эрнинг ҳам, ернинг ҳам удуми бўлган.

Ислом КАРИМОВ

Фурсат ғанимат



Пахтакорларимиз учун масъулиятли давр бошланди. Негаки, ҳосилнинг кузда қандай бўлиши айнан август ойида қилинган саъй-ҳаракатларга боғлиқдир. Агротехник ишлов талаблар даражасида бўлса, ўз вақтида қондириб суғорилса, минерал ўғитлар билан озиқлантирилса, бегона ўтлардан тозалаш, зараркунанда ва касалликларга қарши кураш ишлари изчиллик билан олиб борилса, ҳосил чўғи кутилганидек бўлиши ўтган йиллар тажрибасидан яхши маълум. Ана шу ҳақиқатни яхши англаб етган бободеҳқон ҳар бир кунни ғанимат билиб, юқори ҳосил учун тиним билмай меҳнат қилмоқда.

Ғўза ривожи баравж

Элибой Таниев — Пастдарғом туманидаги «Унсин момо» фермер хўжалиги раиси. 2003 йилда ташкил топган хўжаликнинг ҳозирда 300 гектар ери бор. Ҳар йили гектаридан ўртача 30-40 центнердан пахта етиштириб келинади. Бу йил ҳам юқори ҳосил учун қизғин кураш бормоқда. «Элюрт ҳурмати» ордени соҳиби, 40 йилдан бери деҳончилик қилиб келаётган фермер хўжалиги раҳбари аъзоларининг ижтимоий ҳимоясига катта аҳамият бераётир. Уларнинг озиқовқат таъминоти фермер зиммасида.

Хўжалик далаларида ғўза ривожи баравж. Зараркунандаларга қарши изчил кураш олиб борилаяпти. Қатор оралари 5 маротаба юмшатилиб, бегона ўтлардан тозаланди.

Ғўзаларни тунда суғориш ташкил этилган. Даланинг ўзида ишчиларга бепул иссиқ овқат ташкил қилинганлиги ҳам унумдорликни оширмоқда.

Н.ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ахборот



Ташаббускорлик – муваффақият калити

Куни кеча Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмасининг V Қурултойи бўлиб ўтди.

Унда кун тартибига қўйилган асосий масала — 2005-2010 йиллардаги фаолият бўйича ҳисобот ва касаба уюшма ташкилотларининг вазифалари юзасидан Марказий кенгаш раиси Шавкатбек Қодиров маъруза қилди. Таъкидлаб ўтилдики, ҳисобот даврида аъзолик афзалликларини тарғибот-ташвиқот қилиш, касаба уюшмасининг ташкилий тузилмасини мустаҳкамлаш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Натижада касаба уюшма ташкилотларининг сони 2549 тадан 2713 тага, аъзолар сони 258557 нафардан 279385 нафарга кўпайди.

Касаба уюшмаси Марказий кенгаши тизимига кирувчи вазирлик, қўмита ва банклар билан ижтимоий шерикчилик асосида ҳамкорликни кучайтириб, улар билан тармоқ Келишувларини имзолашга киришди. Уларнинг сони бугунги кунда 27 тани ташкил этмоқда.

Шунингдек, тафтиш комиссияси раисининг ўринбосари Мастура Юлдашева комиссиянинг беш йиллик фаолияти бўйича ахборот берди.

Музокарада сўзга чиққан МКнинг Тошкент вилояти бўйича вакили Муяссар Исмоилова, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Бухоро вилоят кенгашининг раиси Олег Овчинников, Жиззах вилояти ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Шаҳло Аҳророва, Тошкент шаҳар ҳокимликлари ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Абдулворис Измоилбоев, Термиз туман кенгашининг раиси Лола Бердимуродова, Республика Марказий банки раиси ўринбосари Ботир Зарипов ҳисобот даври фаолиятига баҳо бериб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Қурултойда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Дилбар Жаҳонгирова қатнашди ва касаба уюшмалари олдида турган долзарб вазифаларга диққат-эътиборни қаратди.

Қурултойда Шавкатбек Қодиров бир овоздан тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси этиб сайланди.

Конференцияда бошқа ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ўз мухбиримиз

Мақсадимиз — халқ фаровонлиги

Кеча ЎзКУФКнинг ўқув марказида Ўзбекистон автомобил, дарё, электр транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмасининг V Қурултойи бўлиб ўтди. Унда Марказий кенгаш раиси Алишер Мадалимовнинг ҳисоботи тингланди.

— Мустақилликка эришганимиздан сўнг касаба уюшмаларининг фаолияти тубдан ўзгарди, — деди А.Мадалимов. — Ўзбекистон автомобил, дарё, электр транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши ўз фаолиятининг асоси сифатида ижтимоий шерикчилик тамойилини қабул қилди.

Жамоа шартномалари ва келишувлар орқали ходимларни иш билан таъминлаш, ҳақ тўлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда соғломлаштириш масалалари ижобий ҳал этилмоқда. «Ўзавтодарётранс» агентлиги, «Ўзавтойўл» ДАК, «Ўзтранссаноат» республика уюшмаси бошқаруви, «Ўзшаҳарларароавтотранс» ОАЖ, «Трансйўлқурилиш» ДУК билан келишувлар қабул қилинган. Ҳудудий кенгашлар томонидан жойларда юк ва йўловчи ташиш уюшмалари ҳамда автойўл бирлашмалари билан жами 26 та битим тузилган. 2009 йил охирига келиб, 742 та корхона, муассаса ва ташкилотда жамоа шартномаси қабул қилинди. Улар орқали 102973 нафар ишчи-ходим манфаати ҳимоя қилинмоқда.

(Қурултойлар ҳақидаги материаллар газетанинг 2-3-бетларида берилмоқда).

Қурултойдан қурултойгача

Мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсат устувор йўналишлардан бирига айлангани бугун ўз самарасини бермоқда. Буни бутун дунё эътироф этаётир. Айниқса, жаҳонни ларзага солган иқтисодий-молиявий кризис шароитида Ўзбекистон танлаган йўл қанчалар тўғри ва яшовчан эканлиги ўз тасдиғини топди. Бунда, шак-шубҳасиз, меҳнаткашларнинг ишончли ҳамкори ва таянчи бўлган касаба уюшма органларининг ҳам муносиб улуши бор.

Биз бугун ҳисобот даври дея таърифлаётганимиз ўтган беш йил сарҳисоби ҳам шундан далолат беради. ЎзКУФК юридик бўлими мудири Абдусалом Рисқуллаев билан мулоқотимиз асноси бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

Одамлар нима дейди – ҳамма гап шунда

— Табобат олами бир ҳикматга суяниб иш кўради: касални даволагандан унинг олдини олган осон. Қайсидир маънода буни юридик соҳада ҳам кузатиш мумкин. Шундай эмасми?

— Инсон, жамият ва давлат манфаатлари мутаносиблигига эришилган жойдагина тараққиёт учун шарт-шароит пишиб етилади. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ҳамда уларни халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари ва нормаларига мувофиқлаштиришга кўмаклашиш, қабул қилинаётган қонун лойиҳаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, қонун ҳужжатларидаги камчиликларни бартараф этиш ҳамда инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномаларни ратификация қилиш юзасидан тегишли таклифлар билан Олий Мажлис фаолиятида мунтазам иштирок этиб келаётгани ҳам бежиз эмас. Бир сўз билан айтганда, ижтимоий ҳимояга алоқадор бироита қонун лойиҳаси касаба уюшмалари эътиборидан четда қолаётгани йўқ.

Маълумки, иш берувчи билан ходим ўртасидаги низоларнинг аксарияти ҳуқуқий саводхонликнинг етарли даражада эмаслиги, қолаверса, бир қарашда жуда оддий туюлган ҳужжатларни расмийлаштиришдаги хато-камчиликлар туфайли юзага келади. Бу эса, ўз навбатида, қанчадан-қанча чалкашлик ва оворагарчиликларга сабаб бўлади. Шунинг учун Федерация кенгаши раҳбариятининг ташаббуси билан юридик бўлим томонидан ходимлар билан ишловчи мутахассислар ва юрист-маслаҳатчиларга Меҳнат Кодексини қўллашда амалий ёрдам бўлсин учун, шунингдек, меҳнат муносабатларида иш берувчи ходимга нисбатан қабул қиладиган барча буйруқларнинг тўғри ёзилишини таъминлаш мақсадида «Ходимлар бўйича менежернинг стол китобчаси» тайёрланиб, буюртма бўйича тарқатилди. Бундан ташқари, ЎзКУФК Ўқув марказида тизимда фаолият юритаётган ҳуқуқшуносларнинг махсус тайёрланган дастур асосида ўқуви ташкил қилингани ҳам ишимизда ижобий натижалар салмоғига ўзига хос ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Ҳисобот даврида амалга оширилган муҳим ишлардан яна бири шуки, барча вилоятларда касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари қошида аъзолар ва фуқароларга тегишлича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш учун юридик маслаҳатхоналар ташкил этилди. Ҳамма нарса пулга чақиладиган шароитда бу жуда муҳимдир.

— Дарҳақиқат, адолат истаб идорама-идора сарсон-саргардон бўлиш, тайинли жавоб ва кўмак олмаслик, энг аввало, киши руҳиятини издан чиқаради. Шундай ҳол юз беришига эса, тажрибадан маълумки, кўпинча ёрдам қўлини чўзиши лозим бўлган мутахассиснинг малакали хизмат кўрсата олмаслиги сабаб бўлади.

— Кези келганда, 2006 йилнинг 8 августида бўлиб ўтган Федерация кенгаши Раёсати қарори билан тасдиқланган «Касаба уюшмаларида юридик хизмат тўғрисида»ги Низом, кейинчалик, яъни шу йил 8 июнда Федерация кенгаши Раёсати қарори билан тасдиғини топган «Ўзбекистон касаба уюшма ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида»гги Низом тизимдаги барча ҳуқуқшунослар учун дастуруламал вазифасини ўтаётганини таъкидлашни истардим. Шу Низомга илова қилинган шакл асосида ҳар ярим йилда ҳуқуқшунослар ҳисобот топширишлари йўлга қўйилган бўлиб, уларнинг фаолияти Федерациянинг юридик бўлими томонидан мувофиқлаштириб борилмоқда.

Мазкур йўналишдаги ишларни амалга ошириш тизим бўйича 70 дан ортиқ малакали ҳуқуқшунослар зиммасига юклатилган бўлиб, юқорида зикр этиб ўтилганидек, ҳар йили улар бир марта ЎзКУФК Ўқув марказида соҳада юз берган ўзгаришлар, у ёки бу масалага ёндашиш йўл-йўриқлари билан муфассал таништириб келинмоқда. 2011 йилдан бошлаб эса, ҳуқуқшуносларимиз тегишли равишда Адлия вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий органларида ҳар беш йилда бир марта аттестациядан ўтказилиши режалаштирилган бўлиб, бу ҳам ўз-ўзидан уларнинг ўз хизмат вазифаларига бўлган масъулиятини оширади, албатта.

Мақсадимиз битта, токи касаба уюшма эшигини очиб кирган ҳеч бир киши норизо бўлиб кетмасин. Ҳатто иши битмаган, тўғрироғи, мазмун-моҳиятига кўра юқорироқ доирада ечимини топадиган масала билан келган одамнинг ҳам ширин муомала ва албатта, тўғри маслаҳатдан кўнглида умид учқунлари аланга олсин.

— Хат бекорга ёзилмайди. Ҳар бир мурожаат замирида ишонч, адолат қарор топишига умидворлик мужассам бўлади. Эҳтимолки, шунинг учун хат ортида инсон бор, деган иборага урғу берилса керак?..

— Мана энди бир тасаввур қилинг: ҳисобот даврида фуқаролардан жами 23 минг 552 та ариза ва шикоят тушган бўлиб, шулардан 20 минг 652 таси ёки 88 фоизи қаноатлантирилди. Ушбу даврда 275 та ҳолат бўйича меҳнаткашларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича судларга даъво аризаси киритилди. 190 та ҳолатда ҳуқуқшуносларимиз томонидан қўйилган масала ижобий якун топди. Бугина эмас. Мансабдор шахсларга 1657 та қонун бузилишлари юзасидан тақдимнома киритилгани ҳолда, шулардан 1416 таси ёки 85 фоизи қаноатлантирилди. Бу — шунча фуқаронинг қонуний ҳуқуқлари касаба уюшмалари томонидан муносиб ҳимоя қилиниб, уларга ҳуқуқий жиҳатдан амалий ёрдам кўрсатилди, деганидир.

Қаердаки ишчи-хизматчи бор экан, ўша жойда касаба уюшмаси хизматига эҳтиёж сезилади. Иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатлар таранглашмаслиги учун ҳам бу жуда муҳим. Дарвоқе, ҳисобот даврида 8500 та корхонада меҳнатга оид қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати олиб борилишига ва амалдаги Меҳнат Кодексини қўллаш бўйича зарур бўлган кўмак берилишига эришилди.

— Касаба уюшма афзаллиги тўғрисида кўп гапирамиз. Аслида унинг исботи амалий ишлар билан бевосита боғлиқ эмасми? Сизнингча, зикр этилган рақам ва кўрсаткичларни оммага тушунарли тарзда етказиш учун нима қилиш керак?

— Юртбошимиз томонидан илгари сурилган жамиятни янада демократлаштириш, янгилаш ва мамлакатни ислоҳ этиш замирида ўзни англаш, ўз-ўзини ҳимоя қила билиш ва албатта, қонун устуворлигига чуқур ишонч ётади. Бунга эришмай туриб олға силжиш қийин.

Ҳуқуқий ҳимоя касаба уюшмалари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиб келаётгани ҳам шундан. Унинг ҳуқуқий асосларини эса, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун, Меҳнат Кодекси, Фуқаролик Кодекси, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонун, касаба уюшмалари Устави, Қурултой қарорлари ҳамда бошқа ижтимоий соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ташкил этади.

Ҳуқуқий ҳимоянинг йўналишларидан яна бири, бу ҳуқуқий тарғиботдир. Бундан ўн уч йил муқаддам Олий Мажлис томонидан қабул қилинган жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури асосида талай ишлар амалга оширилди, семинарлар, давра суҳбатлари ўтказилди, оммавий ахборот воситалари орқали кўп бора савол-жавоблар уюштирилди. Меҳнат қонунчилигини амалиётда қўллаш юзасидан 60 дан ортиқ номдаги турли қўлланмалар ишлаб чиқилиб, бошланғич касаба уюшма ташкилотларига етказилдики, ўйлайманки, бу ҳам умумишимиз — меҳнаткашларнинг манфаатини самарали ҳимоя қилишда жуда асқотади.

Хабарингиз бор, ўтган йилнинг 25 ноябрида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг «Ходимлар, талабалар ва ўқувчи ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш юзасидан республика касаба уюшмалари органларининг олиб борадиган ишлари ҳамда бу борадаги вазифалари тўғрисида»ги мажлиси бўлиб ўтган эди. Кўрилган масалалардан келиб чиққан ҳолда касаба уюшма органлари ва ташкилотларида ҳуқуқий маданиятни ошириш ҳамда ҳуқуқий тарбияни яхшилаш бўйича миллий дастурни яратишга қаратилган тадбирлар режаси тасдиқланган бўлиб, айни кунларда унинг ижросини таъминлаш юзасидан кенг кўламда саъй-ҳаракатлар давом эттирилмоқда.

Бозор иқтисодига ўтиш даври билан боғлиқ табиий қийинчиликлар, рақобатга дош беролмай бир қанча корхона ва ташкилотлар банкротлик ҳолатини бошдан кечирганига қарамай, ҳамон касаба уюшмалари энг оммавий ва энг нуфузли жамоат ташкилоти бўлиб қолаётган экан, демак, шундай бўлиши учун етарли асослар бор. Бу — энг аввало, меҳнаткашларнинг ўз ҳамкорларига бўлган беқиёс ишончидир.

Шундай шарафга эга бўлиш эса кишида фақат рағбат уйғотади.

Суҳбатдош:
Зайниддин РИХСИЕВ

Ishonch
2010-yil 7-avgust № 94 (2819)

Касаба уюшмалари —

Сарҳисоб

Касаба уюшма аъзоларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш, меҳнатга ҳақ тўлаш, бандликни таъминлаш, ҳуқуқий ҳимоя ва ҳуқуқий тарбия, меҳнатни муҳофаза қилиш, маънавий-маърифий дунёқарашни шакллантириш, касаба уюшма кадрлари ва фаолларини ўқитиш, молиявий сиёсат соҳасида аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, уларнинг ижросини назоратга олиш...

Эртанги кун жозибаси

янада кўпроқ ишлашга ундайди

Бу касаба уюшма ташкилотлари зиммасида турган вазифаларнинг бир қисми холос. Халқаро ҳамкорлик, ташкилий фаолият ва санаган сари кўлами тобора кенгайиб борадиган яна аллақанча юмушлар борки, буларни амалга ошириш ва амалга оширганда ҳам зикр этишга арзигулик натижаларга эришиш учун тинмай изланиш, ташаббускорлик кўрсатиб ишлаш, энг муҳими, ҳар жабҳада қатъиятли бўлиш тақозо этилади. Беш йиллик муддатни ўз ичига олган ҳисобот даври хулосалари эса касаба уюшмалари меҳнаткашлар олдидаги бурч ва масъулиятни қай даражада бажарганлигига бир ишора.

Маълумки, аъзолар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш деганда, биринчи навбатда кўз ўнгимизда тармоқ келишувлари ва жамоа шартномалари намоён бўлади. Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши бу борада изчил йўл тутганлиги ҳамда тизимдаги вазирлик, қўмита ва муассасалар билан ижтимоий шерикчилик асосида ҳамкорлик қилганлиги натижаси ўлароқ, ҳисобот даври давомида тармоқ келишувларининг сони 23 тадан 27 тага кўпайди. Шунингдек, жамоа шартномалари тузилиши динамикасида ҳам ўсиш кўзга ташланади. Агар 2005 йилда тармоқ касаба уюшмаси хизматига олинган юридик ташкилотларнинг 89 фоизида жамоа шартномалари амал қилган бўлса, 2009 йилга келиб ушбу кўрсаткич 96,1 фоизни ташкил этди.

Эътиборли жиҳати, ҳар икки ҳолатда ҳам ходимлар манфаатларини ифодаловчи бир қанча шартлар киритилишига муваффақ бўлинди. Жумладан, меҳнат самарадорлигини ошириш ҳамда ходимларда меҳнатга рағбат уйғотиш мақсадида мукофот ва қўшимча тўловларни жорий этиш, ҳақ тўланадиган қўшимча таътиллар бериш, меҳнат шартномасини бекор қилишдан олдин касаба уюшма қўмитасининг розилигини олиш, иш ҳақининг нулинчи разряди миқдорини ошириш, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги 88-қарорига асосан иш ҳақи тўловлари кечиктирилган ҳолларда иш берувчининг айби билан кечиктирилган ҳар бир кун учун пеня тўлаш каби янги шартлар ўз ўрнини топди.

Жамоа шартномалари тадбирларини бажариш учун тармоқ бўйича ҳар бир ходимга ўрта ҳисобда ажратилган маблағ 2006 йилда 136,6 минг сўмга тенг бўлса, 2009 йили бу кўрсаткич 288,8 минг сўмгача кўтарилди.

Баркамол авлод йили муносабати билан ЎзКУФК дастури тадбирларининг жорий йил 6 ойи натижалари ҳам ишда силжиш бўлаётганидан далолат бермоқда. Хусусан, тармоқ бўйича 1464 нафар кам таъминланган ёш оилаларга 33,5 миллион сўм иш берувчилар томонидан ва 19,6 миллион сўм касаба уюшмаси ҳисобидан, жами 53,1 миллион сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Оммавий тарзда ишдан бўшатилган 379 нафар ходимларни қайта ўқитиш, касб-кор малакасини ўзгартириш ишларини ташкиллаштиришга 11,3 миллион сўм сарфланди.

Зотан, инсон манфаатидан юқорироқ манфаат йўқ. Касаба уюшмалари бутун фаолиятининг ўзаги ана шу мақсадга қаратилганлигини ҳар жабҳада кўриш мумкин. Мана, меҳнат муҳофазаси билан боғлиқ жиҳатларни олиб кўрайлик. 2009 йил 1 январ ҳолатига 2659 та бошланғич ташкилотлар бўлиб, шундан, 1183 тасида меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар сайланганлиги, уларнинг 640 нафари иш берувчи маблағлари ҳисобидан соҳага оид ўқувга жалб этилганлиги, аввалambор, масалага бўлган эътибор тобора кучайиб, қолаверса, маъмурият билан касаба уюшмалари ўртасида ижтимоий шерикчилик мустаҳкамланиб бораётганини англатади.

«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунда вазирликлар, идоралар ва хўжалик муассасалари меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари фаолиятини касаба уюшмалари Марказий кенгашлари билан келишиб олинган Низомлар асосида ташкил этишлари кўрсатиб ўтилган бўлиб, бу бугунги кунда ўз самарасини бераётир. Энг охирги натижа — Марказий кенгаш билан келишилган ҳолда «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тизимидаги ҳарбий қисмлар, корхона, муассаса ва ташкилотларда меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида»ги Низом ишлаб чиқилиб, 2010 йил январидан амалга киритилганлиги ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди.

Сир эмас, одатда биз ўтказилган тадбирларни шунчаки қайд этиб қўя қоламиз, гўё шундай бўлиши керакдек. Аслида ҳар бир тадбирнинг ўзига яраша тарбиявий аҳамияти бўлиб, баъзан «хуш кўрдик» деган оддийгина лутф, бир чуқум ош, бир оғиз ширин калом олам-олам қувонч бахш этади кишига.

Мана, ўзингиз мушоҳада қилиб кўринг: Марказий кенгаш томонидан узоқ йиллардан буён самарали меҳнат қилиб келаётган фахрийлар учун «Қадрлаш тадбири» ўтказилди. Тадбирда иштирок этган 73 нафар фахрийнинг ҳар бирига 50 минг сўмдан мукофот пуллари топширилди.

Дарвоқе, Марказий кенгаш қошида «Ёшлар кенгаши» фаолият кўрсата бошлаганига ҳам сал кам икки йил бўлди. Кенгаш таркиби барча ҳудудларда касаба уюшма ҳаётида фаол иштирок этиб, ҳамкасбларига ўрнак кўрсатиб келаётган ёшлар билан мустаҳкамланган бўлиб, бу айни вақтда эстафета ишончли қўлларга топширилажагига ўзига яраша кафолат ҳамдир.

Меҳр-оқибатли халқмиз. Имкон бўлса қўлингдан, имкон бўлмаса йўлингдан ёрдам қил, деган ақидага амал қилиб яшаш биз учун отамерос таомил. Тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан кўрсатилган ҳомийлик ёрдамларининг ўзи алоҳида бир мавзу. Жумладан, Гемотология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти касалхонасига 3 миллион 100 минг сўм, пойтахтдаги Ёшлар шаҳарчаси ётоқхоналарини таъмирлаш ишларига 5,5 миллион сўм, Ногиронларни реабилитация қилиш марказига 1 миллион 300 минг сўм, Собир Раҳимов туманидаги 2-сонли болалар уйига 1008 850 сўм... Болаларни ёзги соғломлаштириш мавсумини ташкил этишга 90 миллион сўм сарфланди.

3 декабр — Халқаро ногиронлар куни муносабати билан 2005-2009 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Мурувват уйларига 28 миллион сўм ўтказиб берилди.

Хавфли гриппга қарши вакцинация қилиш учун Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига 3 миллион сўм, ёрдамга муҳтож ва кам таъминланган фуқаролар учун 10 миллион сўм ажратилди.

Ва ниҳоят, Қирғизистонда юз берган хунрезлик воқеалари оқибатида Ўзбекистонга вақтинчалик кўчиб ўтган қочоқларни биринчи навбатдаги зарур бўлган озиқ-овқат ва кийим-кечаклар билан таъминлаш учун бегараз инсонпарварлик ёрдами сифатида 50 миллион сўм ажратилди...Республика жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказилган эълликдан ортиқ турли тадбирларга қарийб 4 миллион сўм маблағ сарфланди.

Энг оммавий ва энг нуфузли жамоат ташкилотига энг тўғри ва холис баҳони бошига иш тушганда қўллаб юборганлиги учун касаба уюшмалари номига билдирилган миннатдорчилик хатларини ўқиб билиб олиш мумкин. Келинг, бу ҳақда ҳам кейин.

Нимагаки эришилган бўлса, буларнинг ҳаммаси касаба уюшма фаолларининг хизмати. Айнан шунинг учун ҳам уларнинг малакасини ошириш ва тажрибасини бойитишга доимий эътибор қаратиб келинмоқда. Беш йил мобайнида ўқувлар ва семинарларга 8,5 мингдан зиёд касаба уюшма фаоллари қамраб олинди. ЎзКУФК Ўқув марказида анъанавий тарзда ташкил этиб келинаётган ўқувлар, жойларда уюштирилаётган сайёр ўқув-семинарлар, турли даражадаги давра суҳбатлари... Буларнинг барчаси ишни яхшилаш, касаба уюшма аъзолари онги ва қалбига янада чуқурроқ кириб бориш учун.

Турли фикр-мулоҳазалар, таклиф ва ташаббуслар илгари сурилган ушбу Қурултойнинг ўзи ҳам аслида кенгроқ доирадаги ўқув-семинар бўлиб, мақсад эса битта — ўтган беш йилликни сарҳисоб қилишгина бўлмай, янги, янада юксакроқ чўққиларни забт этиш, нурли манзилларни кўзлаб аввалгилардан-да салмоқли натижаларга эришиш.

Бунинг учун меҳнат қилсанг арзийди.

Ўз мухбиримиз

Тармоқ келишуви — асос

Унумдорлик омили

Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси билан Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ўртасидаги ҳамкорлик бугунги кунда ҳар қачонгидек яхши бўлиб, бир неча йилдирки давлат солиқ органларидаги ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатини муҳофазалаш бўйича тармоқ Келишувлари имзоланиб, ижроси оғишмай бажариб келинмоқда.

Ходимларни иш билан таъминлаш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, меҳнатга ҳақ тўлаш, кафолатли тўловлар ва компенсация тарзидаги бир қатор бошқа тўловлар мунтазам амалга оширилмоқда. Иш берувчи томонидан ҳар бир ходимнинг озиқ-овқат ва жамоат транспортидан фойдаланиш, куз мавсумида эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиб олиш харажатларини қисман қоплаш учун тегишли маблағлар ажратилмоқда.

Давлат солиқ қўмитасига тегишли «Fазалкент» соғломлаштириш марказида ходимлар ва уларнинг оила аъзолари имтиёзли йўлланмалар асосида соғлиқларини тикламоқда. 2 та бассейн, душхоналар, кутубхона, ошхона, спортнинг волейбол, мини-футбол ва баскетбол турларига ихтисослаштирилган майдончалар дам олувчилар ихтиёрида.

2005 йилнинг май ойидан эътиборан, Давлат солиқ қўмитаси ўзининг спорт-соғломлаштириш мажмуасига эга бўлди. Мажмуада ходимлар ва оила аъзолари даволаниш билан бир қаторда спорт билан шуғулланишлари учун барча шароит яратилган.

Тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгашининг ташаббуси билан касаба уюшма қўмиталари аъзолари ўртасида анъанавий ўтказиб келинаётган спартакиада мусобақалари учун ҳам ушбу мажмуа танланиши бежиз эмас, албатта. Кези келганда, спортнинг таэквандо, мини-футбол, армрестлинг, стол тенниси, қўл жанги, кўп кураш ва бошқа турлари бўйича мусобақалар айнан шу ерда ташкил этилаётганини таъкидлашни истардим.

Шунингдек, маънавий-маърифий, ҳуқуқий ва касбий ўқув машғулотларига ҳам эътибор катта.

Дарвоқе, солиқ тизими тарихи, ҳозирги вақтда амалга оширилаётган ишлар, жумладан, тизим тасарруфидаги касаба уюшмаси фаолиятини ўзида акс эттирган музей фаолият юритмоқда.

Айтганча, «Ўзбеккинохроника» ижодий бирлашмаси билан ҳамкорликда ходимларни ижтимоий ҳимоялаш борасидаги ишлар ҳикоя қилинган ҳужжатли филм яратилди. Бундан ташқари, Давлат солиқ хизмати органлари ходимлари фаолиятини ўзида акс эттирган 10 қисмли «Бурч» ҳамда 2 қисмли «Музаффар» видеофилмлари ҳам телетомошабинлар ҳукмига ҳавола қилинди.

Ғуломжон МУСАЕВ,
Солиқ қўмитаси бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси

Касаба уюшма аралашуви билан...

Иш жойига тикланди

Ходимни ҳуқуқий томондан ҳимоялаш, ноҳақ айбланганда, ишдан четлатилганда кўмак бериш касаба уюшмаларининг асосий вазфаларидан ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши номига келган ариза ва шикоятларнинг ҳар бирига алоҳида эътибор билан ёндашилмоқда. Муҳими, уларнинг амалдаги қонун талаблари асосида кўриб чиқилиши таъминланмоқда. Ёзма равишда билдирилган мурожаатлар тегишли ҳужжатлар асосида белгиланган муддат ичида ўрганилиб, хат муаллифларига ёзма хабар юборилиши йўлга қўйилган.

Саъй-ҳаракатлар зое кетмаяпти, албатта. Кўпгина ходимлар ўз иш жойларига тикланишига, иш ҳақининг ундириб берилишига эришилмоқда. Хатлар асосида йўл қўйилган хатоликлар иш берувчилар томонидан бартараф этилиб, ходимларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш чораси кўрилаётир. Масалан, штатлар қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинган Сирдарё вилояти ҳокимлигининг қурилиш бўйича «Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг» компанияси ходими А.Миннегалимова ишга тикланиб, мажбурий бекор юрган даври учун 1 млн. 400 минг сўм иш ҳақи ундириб берилди.

Бундан ташқари, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, суд жараёнида ҳам иштирок этаяпмиз. Жумладан, Марказий кенгаш вакиллиги иштирокидаги суд жараёни натижасида фуқаро Р.Абдуқодиров Эроннинг «SODEROT» банкига ишга тикланиб, фойдасига 1 млн. 88 минг сўм, Ш.Эшбоев Оҳангарон туман ДСИга ишга тикланиб, 370 минг сўм, С. Латипов эса Янгийўл шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастр бўлимига ишга тикланиб, 1 млн. сўмга яқин пул ундириб берилди.

А. ҒАЙНАЗАРОВ,
Тармоқ касаба уюшмаси МК юридик бўлим мудири

Тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши қошидаги Ёшлар кенгаши 2008 йил раёсат қарори билан ташкил этилган бўлиб, таркибига барча ҳудуддан касаба уюшма ҳаётида фаол иштирок этиб, самарали меҳнати билан жамоада обрў-эътибор қозонган ёшлар киритилди.

Ёшлар — мамлакат келажаги

Илк қадамлар

Айниқса, 2010 йилнинг 5-6 январ кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган «Ёшлар форуми» кенгашимизнинг ўрни нечоғлик муҳимлигини яна бир бор намойиш этди.

Аввалига «Ўзбекистон ёшлари, уларнинг мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий ҳаётидаги иштироки тўғрисида» ҳужжатли филм намойиш этилди. Қизиқарли мунозара ва тортишувларга бой тарзда ўтган давра суҳбатидан шу нарса аён бўлдики, «Камолот» ЁИҲнинг ҳам, тармоқ касаба уюшмаси Ёшлар кенгашининг ҳам мақсади битта: ҳар томонлама салоҳиятли ёшларни тарбиялаш, уларнинг мамлакатимиз тараққиётидаги масъулиятини ошириб, бу йўлда уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлашдир.

Ёшлар кенгаши олдидаги вазифалар кўлами ғоят кенг бўлиб, уларни бажариш сари илк қадамлар қўйилди. Жумладан, ёшлар манфаатини ҳимоя қилиш, уларнинг ислоҳотларда фаол иштирок этиш каби ташаббусларини рағбатлантириш учун тармоқ Келишувлари, жамоа шартномаларига алоҳида моддалар киритиш борасида ҳаракатлар қилинмоқда. Бугун 28 та тармоқ Келишувларида ёшлар манфаатларига оид моддалар ўз аксини топганлиги саъй-ҳаракатлар бежиз кетмаганидан далолат.

Шунингдек, нодавлат сектордаги ташкилотларда асосан ёшлар меҳнат қилаётганини инобатга олиб, уларда касаба уюшма ташкилотларини тузиш, ишчи-хизматчилар ўртасида аъзолик афзалликларини асослаш борасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, меҳнат қонунчилигида белгиланган ҳуқуқларини тушунтиришда Ёшлар кенгаши аъзолари ҳам иштирок этаётир.

Ҳуқуқий саводхонлик, маънавий-маърифий дунёқарашни шакллантириш, бой мерос, миллий урф-одатларни қадрлаш, улардан фахрланиш ҳиссини амалий ҳаракатлар билан мустаҳкамлаш мақсадида ташкилот ва муассасаларда ташкил этилаётган ўқув-семинар ва тадбирларга ёшлар кенг жалб этилмоқда. Жумладан, Республика Бош прокуратураси, «Ватан» жамғармаси ва тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан ҳамкорликда Тошкент Ислом университети ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетида «Ёшлар терроризм ва гиёҳвандликка қарши» шиори остида тадбирлар ташкил этилди.

Дарвоқе, тармоққа қарашли олий ўқув юртларида ва коллежларда таҳсил олаётган иқтидорли ёшлар саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш мақсадида тармоқ касаба уюшмасининг 5 та стипендияси жорий этилган бўлиб, номзодлар Ёшлар кенгаши билан келишган ҳолда тавсия этилмоқда.

Тоир МЕҲМОНҚУЛОВ,
Ёшлар кенгаши раиси ўринбосари

Туман марказидан ўн беш чақиримча олисда жойлашган Ём қишлоғида беш мингга яқин аҳоли истиқомат қилади.
Шу ерлик ҳайдовчи-киракаш Холмат аканинг «Москвич»ида йўлга тушдик.
Суҳбатимиз тезда қовуша қолди.

Бор бўл, оқибат!

Эъзоздаги аёл

руҳан хаста, лекин ижтимоий ҳимояда

— Зомин педагогика коллежи ҳам қишлоғимизда жойлашган, — дейди ҳамроҳим йўл чеккасидаги муҳташам бинога ишора қиларкан. — Дастлабки қалдирғочларимиз ишга жойлашишди. Қишлоқдошларим асосан деҳқончилик, чорвачилик ва боғдорчилик билан шуғулланишади.

Мухбирлигимни, «Мурувват уйи»ни ахтариб келаётганимни билган Холмат ака холисона фикрини баён этади:

— Отасига раҳмат, Нишонбойнинг! У жамоага раҳбар бўлиб келди-ю, аҳвол бутунлай ўзгарди. Масканга ўзгача файзу барака кирди...

Ҳамроҳим «у ёғини ўзингиз кўриб гувоҳи бўларсиз», дегандек маъноли бош иргаганча бизни қолдириб йўлида давом этади.

Гулзор ва боғ оралаб ичкарига йўл оламиз. Ҳамма ёқ саранжом-саришта. Муассаса раҳбари Нишонбой Фозилов Тошкентга, вазирликдаги йиғилишга шошаётган бўлса-да, суҳбатлашишга вақт ажратди.

Муассаса 1962 йили ташкил этилиб, унинг тамал тошини отаси Араб бобо қўйган ва 25 йил давомида раҳбарлик қилган. Нишонбой ака бугун отаси йўлини давом эттиряпти. Фаолияти даврида ачагиға ишлар амалга оширилди. Ҳомийлар ҳам барака топсин, мурувват ёрдамини аямади.

— Уч юз ўринли Зомин «Мурувват уйи» ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш йўлида фаолият кўрсатади, — дейди Н.Фозилов. — Руҳий ва асаб касалликларига чалинган аёллар маскандан қўним топган. Улар кунига уч маҳал иссиқ овқат, кийим-кечак, дори-дармон, кундалик эҳтиёжда ишлатиладиган воситалар билан таъминланган. Инсонпарвар, саховатпеша давлатимизнинг ғамхўрлигини доимо ҳис этамиз. Касаба уюшмаларининг мададидан баҳрамандмиз. Уларга раҳмат. Сўнгги икки йилда давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси томонидан 5 млн. сўмлик кўрпа-тўшак, жилдлар жамламаси, 100 комплект аёллар кийим-кечаги, ўн погонметр гилам-поёндоз, рангли телевизор мурувват ёрдами сифатида берилди. «Чинобод» сиҳатгоҳига иккита бепул йўлланма ажратилди.

Бошланғич касаба уюшма ташкилоти бу ерда ишловчи 175 нафар ходимнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоясини жамоа шартномасида кўрсатилган бандлар асосида олиб бормоқда.

— Жамоамизда 144 нафар аёл меҳнат қилишини инобатга олсак, зиммамизда нечоғлик масъулиятли вазифалар турганини ҳис этиш қийин эмас, — дейди касабақўм етакчиси Зулхумор Хўжақулова. — Етти нафар қўмита аъзоларимиз билан қўлни қўлга бериб ҳамжиҳатликда ишлаяпмиз. Икки йил аввал муассаса ёрдамчи хўжалиги ташкил этилгач, ходимларни ижтимоий ҳимоялашга кенгроқ имконият яратилди. Ходимлар эндиликда 50 фоиз арзон нархда овқатланадиган бўлишди.

Муассасанинг ёрдамчи хўжалиги ривожланиб, ҳозир Қозоғистондан келтирилган 100 бош қорамол, 150 бош қўй-қўзи парваришланаяпти. Ажратилган 30 га майдоннинг 6 гектари боғ, 14 гектари яйлов, қолганида турли экинлар етиштирилмоқда.

Гўшт, сут, полиз, сабзавот сингари кундалик эҳтиёжда ишлатиладиган маҳсулотлар тайёр ҳолда жамоа дастурхонига тортилаяпти. Олинаётган йиллик даромад 45 млн. сўмни ташкил этмоқда.

Беморлардан 46 нафари шифокорлар тавсиясига кўра «Меҳнат терапияси» бўлими орқали ишга жалб этилган. Улар гул ва экинлар парваришида қатнашишади.

Бу ерда бўлганимизда, мурувватга эҳтиёжманд кишиларга хизмат кўрсатувчи жамоанинг ҳар бир ходими касаба уюшма мададидан тобора кўпроқ баҳраманд бўлаётганини эшитдик.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Саҳифани «Ishonch» мухбирлари Зайниддин РИХСИЕВ ва Акмал ТОШЕВ тайёрлади. Икром ХАСАНОВ олган суратлар

Ishonch
2010-yil 7-avgust № 94 (2819)

ходимларнинг ҳамкори ва таянчи

Мақсадимиз — халқ фаровонлиги

(Давоми. Боши 1-бетда)

Маърузада, шунингдек, ишловчилар манфаати учун сарфланган маблағ 2000 йилда 6,454 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2009 йилда 12,959 млрд. сўмга етгани таъкидлаб ўтилди. 2005-2009 йиллар давомида 30 дан ортиқ хўжалик раҳбарларига талабнома берилиб, ҳудудий прокуратураларга 15, судларга 12 маротаба мурожаат қилиш орқали 104,9 млн. сўмлик иш ҳақи ундирилгани эътиборга лойиқ. Ишлаб чиқаришда жароҳатланиш, касб касалликларининг олдини олиш, хавфсизлик техникасини таъминлаш тармоқ олдида турган муҳим вазифаларга айланди.

Иқтисодиётни ривожлантириш жараёнида инсон манфаатлари, унинг меҳнат ва турмуш шароитлари эътибордан четда қолса, кутилган натижага эришиб бўлмайди. Шу боис жамоа шартномаларида меҳнаткашларга соғлом ва хавфсиз иш шароити яратилишига асосий эътибор қаратилмоқда.

«Ўзавтодарётранс» агентлиги, «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси ва Марказий кенгаш ходимлари томонидан жойларда меҳнат муҳофазаси бўйича семинарлар ўтказилмоқда, савол-жавоб асосида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

2009 йилда жамоа шартномаларида белгиланган тадбирларга 688,4 млн. сўм сарфланди. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қонунлар, қоида ва меъёрларнинг бузилиши аниқланган 647 та ҳолатдан 587 таси касаба уюшма органларининг аралашуви билан бартараф этилди. 320 та ташкилотда уч босқичли маъмурий жамоатчилик назорати иш олиб бормоқда. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича сайланган вакиллар сони эса 468 нафарни ташкил этади.

Республика миқёсидаги жамоатчилик назоратини намунали йўлга қўйиш бўйича ўтказилган кўрик-танловда Самарқанддаги 2522-автожамланма, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тармоқда ўтказилган кўрик-танловда «Тошшаҳаравтобустранс» уюшмасининг 2519-автожамланма, «Фарғонаавтойўллойиҳа» институти ва «Тошшаҳарэлектротранс» уюшмасининг 2-трамвай депоси ғолиб бўлди.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар Тошкент шаҳар кенгаши, Сирдарё, Сурхондарё, Наманган вакилликларига қарашли корхоналарда сезиларли даражада камайди.

«Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси ва «Ўзавтодарётранс» агентлиги билан биргаликда «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компаниясига қарашли корхона ва ташкилотларнинг раҳбар ҳамда мутахассислари учун меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги ва ёнғиннинг олдини олиш тадбирлари бўйича намунавий йўриқномалар», «Автомобил ва дарё транспорти ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича намунавий йўриқномалар» ишлаб чиқилиб, корхоналарга тарқатилди.

2005 йилда «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастурини бажариш бўйича вакиллик ва корхоналарда комиссиялар тузилиб, тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Дастурга асосан соғломлаштирилиши ва дам олиши лозим бўлган болалар йўлланма билан таъминланди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига қарашли соғломлаштириш масканларида 146 нафар пенсионер ва меҳнат ногирони имтиёзли равишда даволанди. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да ҳам хайрли ишлар давом эттирилиб, кам таъминланган 9628 оилага 104 млн. 300 минг сўм моддий ёрдам берилди. «Ижтимоий ҳимоя йили»да эса кам таъминланган, кўп болали оилаларга, уруш ва меҳнат фахрийларига 88 млн. 524 минг сўм маблағ сарфланди. «Ёшлар йили»да ёш оилалар саломатлигини мустаҳкамлаш, дам олишини ташкил этиш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, йил давомида санаторий ва санаторий-профилактарийларда 175 нафар ёш ишчи-ходим имтиёзли йўлланма асосида соғломлаштирилди. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига асосан, қишлоқда истиқомат қилувчи кам таъминланган 602 та оилага 86 млн. 769 минг сўм миқдорида моддий ёрдам ажратилди.

Ишчи-ходимларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ва дам олдириш тармоқ касаба уюшмалари фаолиятида асосий вазифалардандир. 2005-2009 йиллар давомида ажратилган имтиёзли йўлланмалар билан 4229 нафар меҳнаткаш санаторий, санаторий-профилактарий, дам олиш уйларида ўз соғлиғини тиклади. Тармоқ тизимидаги 12 та болалар ёзги соғломлаштириш ва дам олиш оромгоҳларида 39224 нафар бола мириқиб ҳордиқ чиқарди.

Меҳнаткашлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилди. «Саломатлик» спартакиадалари, «Алпомиш» ва «Барчиной» тест синовлари бўйича ўтказиладиган ҳар йилги спорт мусобақаларида меҳнаткашлар фаол қатнашиб, юқори натижаларни қўлга киритишмоқда. «Ўзавтойўл» ДАКнинг ҳудудий бўлимларида ҳам шахмат-шашка, стол тенниси, мини футбол бўйича мусобақалар ўтказиш анъана тусига кирмоқда.

4000 мингдан ошиқ ишчи-ходим ва фарзандларининг Самарқанд, Бухоро, Термиз, Хива, Фарғона, Шаҳрисабз каби тарихий шаҳарларга уюштирилган саёҳати ватанимизнинг маънавий мероси, тарихига бўлган қизиқишни оширишга хизмат қилди.

Раёсат йиғилишларига тайёргарлик кўриш жараёнида Марказий Кенгашнинг масъул ходимлари томонидан юздан ортиқ бошланғич ташкилот ва ўнлаб вакиллик фаолияти ўрганилди. Уларга зарур кўрсатмалар ва ёрдам берилди.

Янги аъзоларни жалб этиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. 2009 йилда жалб этилган 104 та ташкилотнинг 4678 нафар ходими аъзоликка қабул қилинди. Жорий йилнинг 1-ярим йиллигида эса 56 та корхона аъзоликка жалб этилди. Уларнинг 5592 нафар ходими касаба уюшма сафига қўшилди. Фарғона, Жиззах, Бухоро, Самарқанд вилояти вакилликлари ва Тошкент шаҳар кенгашининг бу борадаги ишлари таҳсинга сазовор.

* * *

Ўзбекистон автомобил транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси 2003 йилда Халқаро транспортчилар Федерациясига тўлақонли аъзо сифатида қабул қилинди.

2006 йил 17-20 май кунлари Москвада Халқаро касаба уюшмалари Бирлашмасининг (МОП) XIX Қурултойи ва илмий-амалий конференциясида Марказий кенгаш раиси А.Мадалимов қатнашди.

2008 йил 2-5 апрел кунлари Бухоро шаҳрида Халқаро транспортчилар Федерациясининг (МФТ) II регионал конференцияси бўлиб ўтди. Унда Россия, Осиё давлатлари бўйича Ҳиндистон регионал вакили Махендра Шарма, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон вакиллари, шунингдек, тармоқ корхона ва ташкилотларининг ишчи-ходимлари, авиаходимлар, касаба уюшма фаоллари қатнашди.

* * *

Шундан сўнг тармоқнинг беш йиллик фаолиятига доир ўтказилган тафтиш бўйича комиссия раиси Т.Раҳимов ахборот берди.

Маърузалар юзасидан музокарада тармоқ касаба уюшма Марказий кенгашининг Бухоро вилояти бўйича вакили Ш.Ихтиёрова, Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг ўринбосари Ш.Шоваҳобов, «Тошшаҳартрансхизмат» йўловчиларни ташиш уюшмаси касаба уюшма қўмитаси раиси М.Собитов, «Ўзавтойўл» ДАК бошқаруви раиси М.Абдуллаев ва бошқалар сўзга чиқди. Тармоқ фаолияти қониқарли баҳоланиб, А.Мадалимов ўз вазифасига қайта сайланди.

Қурултой ишида ЎзКУФК раисининг ўринбосари Н.Аллаёров қатнашди.

Ўз мухбиримиз

Фарғона вилояти вакиллиги тизимидаги автокорхоналар ва йўл хўжалиги ташкилотларида кадрлар савиясига алоҳида эътибор қаратилади. 2009 йил давомида 645 нафар ишчи-ходим қайта ўқитилиб, малакасини оширганлиги фикримизнинг исботидир.

Эътибор самара беради

200 нафардан ортиқ фуқаро меҳнат биржалари орқали тармоқ корхоналарига ишга жойланди. Бу соҳада, айниқса, 75-, 94-, 55- автокорхоналар, Фарғона такси саройи, Фарғона, Тошлоқ, Қува, Олтиариқ туман йўлларида бир қанча ишлар амалга оширилди. Ўтган 5 йил давомида Марказий кенгаш томонидан ЎзКУФК Ўқув марказида касаба уюшма фаоллари ўқитилди.

2004-2009 йиллар давомида 300 нафардан зиёд ишчи-ходим республикамиз ҳудудидаги турли сиҳатгоҳларда соғлиғини тиклаб қайтди.

Фарғонаавтойўл тизимидаги йўл хўжалиги ташкилотларида ҳам 2004-2010 йиллар давомида катта ишлар амалга оширилди. Фарғона билан Қўқон, Қува, Қувасой, Шоҳимардонни боғловчи йўллар қайтадан таъмирланди.

Улуғбек УМАРОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Фарғона КХСИТФДК раҳбари

Рақамлар тилга кирганда:

2009 йилда аҳоли томонидан 160 мингта, яъни аввалги йилга нисбатан икки баробар кўп енгил автомобил сотиб олинган.

***

Халқаро ва давлат аҳамиятига эга умумий фойдаланадиган автомобил йўлларни қуриш ва таъмирлаш дастурига кўра, Ўзбекистон миллий автомагистрали участкаларини қуриш объектларида 190,6 млрд. сўм ёки 2009 йилнинг биринчи ярим йилига нисбатан 1,8 баравар кўп маблағ ўзлаштирилди.

***

2010 йилнинг биринчи ярим йиллигида Навоий шаҳрининг халқаро аэропорти орқали юк ва йўловчи ташиш ҳажми 22 фоизга ўсди. Ангрен логистика маркази ўз ишини бошлади.

***

Ҳисобот даврида тармоқ тизимидаги ишчи-хизматчилардан тушган 1840 та ёзма ва оғзаки мурожаат кўриб чиқилиб, улардан 1677 таси ижобий ҳал этилди.

Шароитдан кўнгил тўқ

Ишловчилар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларга хавфсиз ва қулай меҳнат шароити яратиш, уларни ва оила аъзоларини соғломлаштиришда касаба уюшмаларининг ўрни алоҳида. 270 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қиладиган корхонамизда бу борадаги ишларни жонлантиришга жиддий эътибор қаратаяпмиз.

Автожамланмамиздаги 11 та цехда дам олиш, ечиниш ва умумий ювиниш хоналари ташкил этилган. Барча цехлар ичимлик суви билан таъминланган. Ўтган йили санитария-гигиена хоналари (душ, гардероб) жорий таъмирланди. Таъмирлаш устахонаси ишчи ва чилангарлари махсус ишчи кийими билан таъминланди. Ушбу мақсад учун сарфланган маблағ миқдори 812,6 минг сўмни ташкил этди. Зарарли шароитда ишлаётган 14 нафар ходимга ўз вақтида компенсациялар берилмоқда.

Ҳар йили жамоа шартномасига меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича алоҳида банд киритилади. Сўнгги икки йилда унинг бажарилиши учун 51 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш мақсадида 1997 йилдан буён Даволаниш-соғломлаштириш маркази фаолият кўрсатмоқда. Марказ замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. 2009 йилда маъмурият томонидан «Ҳаёти-шифокор» тиббий маркази билан шартнома тузилиб, тиббий хизмат кўрсатиш сифати яхшиланди.

Ишловчиларнинг ишга қабул қилинганда дастлабки, иш давомида вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтиши қаттиқ назоратга олинган. Шунингдек, корхонада ишлаб чиқилган Низомга асосланиб ишчи-хизматчилар ишга қабул қилинганда кириш хавфсизлик техникаси йўриғи ва иш давомида ҳар чоракда режадан ташқари хавфсизлик техникаси йўриғидан ўтказилади.

Кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида, ўтган беш йил мобайнида жамоамизда бахтсиз ҳодиса кузатилмади. Шуларни инобатга олган ҳолда ЎзКУФК Раёсатининг 2008 йил 10 декабрдаги қарорига мувофиқ автожамланманинг меҳнат муҳофазаси бўйича комиссияси 1-даражали диплом билан тақдирланди.

Ботир ВАЛИЕВ,
Самарқанд шаҳридаги 2522-автожамланма касаба уюшма қўмитаси раиси

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси таркибига 53 та корхона киради. Уларда 12 199 нафар ходим хизмат қилмоқда. Жорий йилнинг 1 майидан пойтахтда барча троллейбус йўналишлари ёпилишига қарамасдан, иш ўринлари қисқариши кузатилмади.

Ҳамиша хизматга шаймиз

Касаба уюшма ҳаракати билан 40 нафар автобус ҳайдовчиси, 13 нафар таъмирловчи ишчи, 32 нафар раҳбар ва мутахассиснинг малакаси оширилди. Ҳозирги кунда яна 268 киши ўқитилмоқда. Уюшма таркибига кирувчи тармоқ корхоналарида хизмат қилаётган ходимларнинг сони ошиши билан бир қаторда, маош ҳамда корхоналарнинг ойлик жамғарма миқдори ҳам ошиб бормоқда.

Ҳозирги кунда бир ишчининг ўртача ойлик иш ҳақи 277 минг, автобус ҳайдовчисиники 372 минг, метрополитен машинистиники 507 минг сўмни ташкил этади.

Келгусида ҳам «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси раҳбарияти ва касаба уюшмаси томонидан бундай хайрли ишлар давом эттирилиши режалаштирилган. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, биз ҳамиша халқимиз хизматига шаймиз.

Марат СОБИТОВ,
«Тошшаҳартрансхизмат» йўловчиларни ташиш уюшмаси касаба уюшма қўмитаси раиси

Вилоят тармоқ касаба уюшмамиз сафига 7 минг нафардан ортиқ аъзо бирлашган. Ҳудудий тармоқ келишуви ҳамда корхона-ташкилотларда тузилган 62 та жамоа шартномаси уларнинг иқтисодий-ижтимоий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимоясида муҳим ўрин тутмоқда.

Эзгулик улашиш бахти

Соҳа меҳнаткашлари ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида қатор жамоат ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўрнатилган мустаҳкам ҳамкорлик ижобий самара бераяпти. Жумладан, ҳисобот даврида



давлат ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, ҳуқуқшунослар иштирокида 8 та ўқув-семинар ўтказилди.

2005-2010 йиллар давомида вакиллигимиз иш берувчиларга иш ҳақини вақтида тўлаш зарурлиги тўғрисида 19 та расмий талаб, хат ва даъво аризаси билан чиқди. Йўл корхоналаридан нақд пул олиш муаммоси бўйича тушган ариза ва шикоятлар асосида тегишли банкларга мурожаат қилиниб, иш ҳақидан қарздорлик камайишига эришилди.

Шу билан бирга, амалга ошириш лозим бўлган долзарб вазифалар ҳам етарлича. Хусусан, иш ўринларини аттестациядан ўтказиш бўйича касаба уюшмаси қатъий таъсир чораларини кўриши лозим. Бу орқали меҳнат шароити яхшиланиши баробарида, ишловчиларни имтиёзли асосда нафақага чиқариш, солиққа тортиш, қўшимча таътиллар бериш ва бошқа муаммолар ҳал этилади.

Хусусий тармоқда меҳнат қилаётган ишчи-ходимларнинг иш ва дам олиш вақти бўйича иш берувчиларга аниқ кўрсатма ва тавсияномалар тайёрлаш, дам олдириш ва соғломлаштириш учун жамоа шартномаси ва келишувлар тузиш ва у орқали ходимларни ҳимоялаш бўйича аниқ талаблар қўйиш керак.

Афлотуннинг шундай гапи бор: «Бошқаларга бахт улашгин, ўша орқали ўзингникини ҳам топасан». Ушбу фикрни ишловчилар ҳақ-ҳуқуқи ҳимоячиси бўлмиш касаба уюшмалари фаолиятига ҳам татбиқ этиш мумкин.

Шаҳодат ИХТИЁРОВА,
Марказий кенгашнинг Бухоро вилоятидаги вакили

Саҳифани «Ishonch» мухбирлари Тўлқин ШЕРНАЕВ ва Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Қарор ва ижро

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 12 июлдаги қарорига асосан, янги 2010-2011 ўқув йилига пухта тайёргарлик кўриш, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини мактаб анжомлари, ўқув-методик қўлланмалар ҳамда мактаб кийими ва пойабзали билан таъминлаш мақсадида жойларда махсус мактаб бозорлари ва ярмаркалари ташкил этилмоқда.

Ярмаркалар иш бошлади

Фарғона вилоятида мактаб ярмаркалари шаҳар ва туман марказларида, шунингдек, 105-мактаб қошида ташкил этилди. Олис ва чекка қишлоқларда ҳам ўқув қуроллари ва анжомларини харид қилиш учун қулайликлар яратилди.

— Мактаб ярмаркаларини ташкил этиш бўйича вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган режага кўра, ҳар бир ҳудудда савдо қиладиган ташкилотлар аниқ белгиланган, — дейди Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Нодир Аҳмедов. — Ярмаркаларни зарур маҳсулотлар билан таъминлаш ишларига «Ўзулгуржисавдоинвест»нинг ҳудудий савдо базалари, вилоят «Матлуботсавдо» компанияси ҳамда йирик савдо фирмалари жалб этилган. Мактаб ярмаркаларида савдога чиқарилаётган маҳсулотларнинг юқори сифатли ва арзон, кўриниши ва безаклари, хусусан, ёзув дафтарларининг муқоваси миллий қадриятларимизга, халқимизнинг ахлоқий қарашлари ва маънавиятига мос бўлишига жиддий эътибор берилмоқда.

Фарғона шаҳри марказида иш бошлаган мактаб ярмаркасида юздан ортиқ турдаги ўқув анжомлари сотилаётир. Ярмарка харидорлар билан гавжум.

— Бу ердаги маҳсулотлар бозордагига нисбатан анча арзон, сифати ҳам яхши, — дейди фарғоналик Азиза Расулова. — Фарзандимга шу ердан барча керакли ўқув анжомлари ва буюмларни харид қилдим. Айниқса, пластик карточкалар орқали савдо қилиш имкони яратилгани бизга жуда маъқул бўлди.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар

Бадиий гимнастика

Қизлар спортига алоҳида эътибор қаратилиб, бадиий гимнастиканинг кенг оммалашаётгани катта аҳамиятга молик бўлиб, бу борада Сирдарё вилоятида кенг кўламли ишлар олиб бориляпти. Барча шаҳар ва туманларда бадиий гимнастика бўйича таянч умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасалари танланиб, машғулотлар юксак малакали мураббийлар томонидан ўтказилаётир.

Нафосат маликалари

Няра Жамилова ана шундай маҳоратли мураббийлардан бири бўлиб, у Гулистон шаҳри марказий ўйингоҳида ташкил этилган махсус бадиий гимнастика тўгарагига етакчилик қилади. Уни вилоятдаги барча аёл спорт ўқитувчилари бадиий гимнастика бўйича ўз устозлари деб билишади. Айни кунларда гимнастика зали 50 нафардан зиёд ёшлар билан гавжум. Гуруҳдаги қизларнинг аксарияти ўзига хос иқтидор эгаси. Юлия Пак, Қизлархон Жумаева гуруҳнинг энг қобилиятли аъзоларидан. Уларнинг ижросидаги нафис ҳаракатлар барчани ром этмоқда. Бу қизлар вилоят, шаҳар миқёсидаги турли беллашувларда муваффақиятли иштирок этиб келишмоқда.

— Мен етти йилдан буён бадиий гимнастика билан шуғулланаман, — дейди Назирахон Назарова. — Няра опанинг кўмагида бадиий гимнастика сирларидан аста-секин воқиф бўлаяпман. Бунинг учун устозимдан беҳад миннатдорман.

— Қизларимиз бадиий гимнастика билан шуғулланиш туфайли янада соғломлашиб, қадди-қоматлари тик ва гўзал бўлиб боряпти, — дейди мамнунлик билан Няра Жамилова. — Ушбу ёшлар орасидан юртимиз довруғини дунёга ёядиган кучли спортчилар чиқишига қатъий ишонаман.

Вилоят марказидаги «Зайтунча» мактабгача таълим муассасасида бўлганимизда, бу ерда гимнастика тўгарагининг намунали фаолият кўрсатаётганлигига гувоҳ бўлдик. Ёш мутахассис Нилуфар Аҳмаджонова етакчилик қилаётган мазкур тўгаракка 25 нафар қобилиятли қизалоқлар жалб этилди. Машғулотлар давомида улар бир-биридан нафис ҳаракатларни маромига етказиб ижро этиш сирларини ўрганмоқдалар.

Анорбой НОРҚУЛОВ,
«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

Кўркам оромгоҳлар бағрида

Яккабоғ туманининг Мирзо Улуғбек номидаги болалар оромгоҳида 1700 га яқин болалар ҳордиқ чиқармоқда.

Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги Холмуҳаммад Қулниёзов номидаги болалар оромгоҳида соҳа ходимларининг 700 нафарга яқин фарзанди дам олишди.

Сersoя дарахтлар бағрида жойлашган «Эртаклар шаҳарчаси»да мириқиб дам олаётган болаларни суҳбатга тортамиз.

— Беш йилдан буён ҳар мавсум ушбу оромгоҳда дам оламан, — дейди Камола Пўлатова. — Бу ернинг табиати, ўтказиладиган турли кўрик-танлов ва мусобақалар жуда ёқади. Оромгоҳ бошлиғи Қўзи Рўзиев болаларга меҳрибон. Бош етакчи Бектош Жўраев, Азизбек Шоназаров, Абдусалом Ҳамидов бўш вақтимизни мазмунли ўтказишимизда катта ёрдам беришди.

Ё3-2010

Сузиш ҳавзасида маза қилиб чўмилдик, кутубхоналарда турли китоблар мутолаа қилдик.

Бу каби илиқ фикрларни тиббиёт бўлими, тарбиячи ва етакчилари ҳақида ҳам эшитдик.

— Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан нафақат бизнинг оромгоҳ, балки барча дам олиш масканларини ривожлантириш борасида кўпгина ишлар амалга оширилди, — дейди оромгоҳ раҳбари Қўзи Рўзиев. — Шунинг учун ҳам масканимиз янада кўркамлашди. Буни болаларнинг юзкўзидаги қувончдан билса ҳам бўлади.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Улар учун барча шароит яратилган бўлиб, ўйингоҳ, светафор бурчаги, 2 та бассейн, шинам ва кўркам ётоқхона, спорт анжомлари ва жиҳозлари болажонлар ихтиёрида. Узун ва Сариосиё туман халқ таълими бўлимининг тажрибали ўқитувчилари оромгоҳдаги таълим-тарбияга бош-қош. Болалар бу масканда дам олиш билан бирга, турли фан тўгаракларига, ёғоч ўймакорлиги, волейбол, қўл тўпи, футбол, кураш, шахмат-шашка тўгаракларига қатнашишмоқда.

Оромгоҳ раҳбари Ҳикматулла Шаймардонов, бош етакчи Шуҳрат Тангиров ҳар бир белгиланган тадбирнинг вақтида қизиқарли ўтишини назорат қилиб боради. Етакчилар У.Тўйчиева ҳамда А.Азизова машғулотларга бошқош. Шунинг учун тадбирлар дам олувчиларда бой таассурот қолдираяпти.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ishonch» мухбири

От спорти

Бугунги кунда от спорти жадаллик билан ровожланиб бормоқда. Пойтахтимиздаги от спорти бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Чавандозлар мактаби

Мактаб 1930 йилларда Мирзо Улуғбек туманида ташкил этилган. 1950 йилларга келиб, чавандозларни от спорти турлари бўйича байрам ва мусобақаларга тайёрлаш бошланган. 1970 йили у от спорти мактабига айлантирилган.

Ўзбекистондан от спорти бўйича илк бор Мамажон Исмоилов «Трест» лақабли оти билан 1972 йилда Мюнхен шаҳрида ўтказилган Олимпиада ўйинларида иштирок этган.

Мамажон Исмоиловнинг шогирди Валерий Дворянен «Зела» лақабли оти билан Канадада ўтказилган Олимпиада ўйинларида иккинчи ўзбекистонлик иштирокчи сифатида мактаб тарихида қолди.

Ушбу икки нафар чавандоз Олимпиада ўйинларида от спортининг учкураш тури бўйича ҳам муваффақиятли иштирок этиб, юртимизга сафар билан қайтишганди. Бундан ташқари, от спортининг мураккаб турларидан бири бўлган от йўрттириш тури бўйича ҳам бир неча халқаро турнирларда совриндорлар сафидан жой олишга эришилган.

Ҳозирги кунда от спорти бўйича Наманган, Фарғона, Бухоро, Сирдарё, Андижон, Тошкент вилояти ва пойтахтда салмоқли натижаларни қўлга киритишаяпти. Қолаверса, республикамизнинг Наманган, Фарғона ва Сирдарё вилоятларида от спортига ихтисослашган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, Андижон, Бухоро, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳридаги касаба уюшмалари тизимида болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида ҳам чавандозлар тайёрланмоқда. Ушбу мактабларда спорт усталигига номзод, спорт устаси ва халқаро тоифадаги спорт усталари тайёрланади. Мазкур мактабларда шуғулланувчилар сони айни пайтда 500 нафардан зиёдни ташкил этади. Шунинг ўзи ҳам юртимизда от спортига бўлган қизиқишни тасдиқлайди.

Мамлакатимизда 1991 йилдан Ўзбекистон от спорти федерацияси ташкил этилган бўлиб, у 1993 йилдан Халқаро от спорти федерацияси аъзоси ҳамдир.

1994 йилдан бошлаб Ўзбекистон миллий терма жамоаси тўсиқлардан сакраш ва от йўрттириш бўйича мустақил жамоа сифатида халқаро мусобақаларда мунтазам қатнашиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя этиб келмоқда.

1998 йилдан Халқаро от спорти федерациясининг ташаббусига кўра, Марказий Осиё лигаси ташкил этилди ва унинг таркибига Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ҳамда Россиянинг Шарқий ҳудуди Новосибирск шаҳри аъзо бўлиб кирди. Шу тариқа ҳар йили жаҳон кубоги босқичларини ўтказиш анъанага айланган. Ушбу бокасзий Осиё лигасида иштирок этган спортчиларимиз Даврон Ёқубов, Ғайрат Назаров, Исажон Содиқов, Шуҳрат Сафаров ғолибликни қўлга киритишди.

2004 йилдан буён от спорти усталари жаҳон кубоги босқичи мусобақаларида от спортининг тўсиқлардан сакраш ва от йўрттириш турлари бўйича мунтазам иштирок этиб келади. Улар шу кунга қадар 19 та халқаро мусобақада қатнашиб, 45 та олтин, 46 та кумуш ва 36та бронза медали билан тақдирланиб, терма жамоа медаллар захирасини 127 тага бойитишган.

Бугун миллий терма жамоанинг асосий таркибини (катталар) 18 нафар чавандоз ташкил этса, шундан саккиз нафари аёллар. 11 нафар ёшлар терма жамоасининг 5 нафари, 16 нафар ўсмирлар терма жамоасининг 4 нафари, 10 нафар ёшлар терма жамоасининг захираси 3 нафари қизлардан иборат.

Мактаб спортчиларининг янада юқори марраларни забт этиши йўлида 13 нафар малакали мураббий чавандозларга от спорти сир-асрорларини муттасил ўргатиб келмоқда.

Нарзулла МАҲАМОВ,
«Ishonch» мухбири

Ибратли ҳикоятлар

Гулларни яхши кўраман. Наманганда бўлганимда, у ердан оқ-сариқ тусда очиладиган ажойиб гул уруғидан териб, рўмолча қатида олиб қайтгандим. Эрта баҳорда уларни ҳовлимиз ёнидаги йўлакчага экиб, парваришлай бошладик.

Гўзаллик дилда бўлур

Ниҳоят, мен сабрсизлик билан кутган кунлар етиб келди. «Уятчан» гул кечга яқин очилиб, эртаси куни чошгоҳгача кўнгилларни қувнатади. Кейин бошини қуйи солади-да, сўлий бошлайди. Кеч тушиши билан ўша гўзаллик ўрнини янгитдан юз очаётган ўнлаб ғунчалар эгаллайди.

Бир куни оқшом чоғи яқин қадрдонлар келди. Уларни гулнинг очилиш жараёнини кузатишга чорладим. Бироз назар солишди-да: «Хўш, ака, очилса нима бўпти?! Ахир, гул бўлгандан кейин очилади-да!» дейишди. Индолмадим...

Мансур ЗОИР

Мадина – энг фаол китобхон

«Энг фаол китобхон» республика кўрик-танловининг нуфузи йилдан йилга ошиб бормоқда.

Мазкур танловнинг жорий йилдаги якуний босқичи Республика болалар кутубхонасида бўлиб ўтди. Унда Олтиариқ туманидаги 19-умумий ўрта таълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Мадина Толипова Фарғона вилояти шарафини ҳимоя қилиб, 1-ўринга сазовор бўлди. Ғолиб Халқ таълими вазирлигининг биринчи даражали дипломи ва эсдалик совғаси билан тақдирланди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Тошкент шаҳар Учтепа туман ҳокимлиги томонидан якка тартибдаги тадбиркор Хамраев Абдугаффар Абсаттарович номига 25.09.2009 йилда берилган 0107482 рақамли реестр йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман ҳокимининг 2002 йил 30 январ 93-сонли қарорига асосан давлат рўйхатига олинган «Эксклюзив — кафе» шўъба корхонаси тугатилаётганлиги муносабати билан икки ой муддат ичида даъво аризалари қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар учун телефон: 244-25-06

Турмуш чорраҳаларида

Лафз

— Худонинг ишларига ҳайронман. Кимлардир тирноққа зор, мен эса яна гуноҳга ботадиган бўлдим, — деди Санобар хўжайинига, — дадаси, яна бўйимда бўлганга ўхшайди.

— Жуда яхши,— деди Шокир ўрнидан сапчиб туриб. — Ўғил бўлармикан?

Шу сонияда унинг хаёлида тунов кунги воқеа худди кино лентасидек айлана бошлади.

«...Ота-онасини зиёрат қилиш учун борган Шокир ҳовлида ҳеч ким йўқлиги сабаб ичкарилади. Уйдан келаётган овозни эшитиб тўхтади.

— Энди бўлмайди, она, ажрашмоқчимиз, — акасининг товуши жуда бўғиқ эди. — Боласиз уй — мозор, деб бежиз айтишмас экан.

— Хотининг нима деяпти? — бу онасининг овози эди.

— Нима дерди? Тинмай йиғлайди, «мени деб тирноқсиз ўтманг», дейди. Ўзи ҳам роса эзилиб кетди, бечора. Ҳатто устига уйланишимга ҳам рози.

Шокирнинг кўз ўнгида сарвқомат янгаси гавдаланди. Ҳа, янгаси жуда чиройли, ширинсўз эди. У келин бўлиб тушганида уй тўлиб кетганди. Яланг оёқ бўлиб ҳовлига сув сепганлари, қайин укаларига қўшилиб кетмон кўтариб пахта даласига борганлари... Кўзлари кулиб турадиган янгаси йиллар ўтган сари маъюслашиб қолди. Тўй-маъракаларга ҳам чиқмай қўйди.

Шокир уйга кириб онаси ва акасига салом берди. Бир неча сония жимлик чўкди. Сукунатни онасининг овози бузди:

— Художон, гулдай оила бузилиб кетаверадими, энди. Болам адо бўлади-ку!

— Онажон, агар гап фарзандда бўлса, уч боламдан бирини акамга берай, — деди Шокир.

— Болани бериш осонмас, ўйлаб гапир.

— Рост, ака, оилангиз бузилишини ҳечам истамайман, янгамдай аёлни бошқа тополмайсиз.

Иккалангнинг-ку бир-бирингга жонинг ачийди. Хотинларинг нима дер экан? — деди онаси ташвиш билан.

— Келинингиз «Меҳрибонлик уйи»дан бола асраб олайлик, дегандек бўлди, унамовдим. Бировнинг боласи, ундан кейин, Худо кечирсину, никоҳлими, никоҳсиз туғилганми...

— Она, лафз қилдим, сўзимдан қайтмайман. Агар акам билан янгам рози бўлса, келинингиз гапимни ерда қолдирмайди, йўқ демайди...»

— Ҳа, тинчликми? — хаёл суриб қолган эрини туртди. — Ўтган сафар «болани олдирасан, учтаси етади», дегандингиз.

— Сано, кел, бафуржа гаплашиб оламиз.

Дастлаб Санобарга бу сулҳ унчалик оғир эмасдек туюлди. Худога шукр ўғли бор, қизи бор... Лекин бағрига талпинган дўмбоққина ўғилчасини қўлига олгач, уни ҳеч кимга бергиси келмасди.

— Дадаси, ўғлимиз биттаку, бу акасига шерик бўлади. Уни қандай берворамиз. Йўқ, бермайман, — йиғлади туғруқхонадан келгач. — Кўзим қиймайди. Қаранг, ахир ширинлигини.

— Сано, мен лафз қилганман.

Турмуш ўртоғининг лафзи ҳалоли учун Санобар бағридаги ўн кунлик гўдагини овсинига тутқазди. Гўдагининг ризқини ҳар гал шиша идишга соққанда, қон-қон йиғлади. Тунлари кўзи илинмай, боласининг ҳидини қўмсади. Оналик меҳри устун келмоқчи бўлганда, мурғаккина гўдаги муқаддас ришта бўлиб бир оилани асраб қолаётганини эслаб ўзини тўхтатди. Бегининг лафзини синдирмаслик учун барчасига чидади. «Қаерда бўлсанг ҳам омон бўл, болажоним», дея тинмай дуо қилади.

Дилфуза АБДУЛЛАЕВА

Insonga naf keltirish – oliy baxt

O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI

FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

Muassis:
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay`ati:
Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o`rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (Mas`ul kotib), Ma`mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat AllAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Oysuluv NAFASOVA, Pirimqul QODIROV, Sog`indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONBOYEV

Bo`limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e`lonlar 256-87-73

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: mail@ishonch.uz

Nashr ko`rsatkichi: 133

Navbatchi muharrir: A. Toshev
Navbatchi: N.Maxamov
Musahhih: S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.00

Буюртма Г — 751

11568 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

12 45